БУГУН МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

# Металлургия саноати — оғир индустриянинг моддий базаси



Суратда: Ўзбекистон металлургия заводининг илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) мастер Ғ. Орипов, бригада бошлиғи С. Йўлдошев, пўлат эритувчи С. Зверов, пўлат эритувчи Ш. Ҳамроқулов, электрчи А. Йўлдошев ўртоқлар.

Э. Мирзаев фотолари.

## Ака-ука металлурглар

Бу цехда бўлганлар, прокатчиларнинг меҳнатини кўрганлар, «Қаҳрамонона меҳнат, жасорат талаб қиладиган меҳнат!» демай иложлари йўқ.

Тўғри, бу ерда ҳарорати бир минг етти юз даражагача етадиган мартен печлари йўқ. Аммо, обжим атрофлари том маъноси билан оташга ўхшайди. Дастгоҳлар ҳам, оёқ остига ташлаб қўйилган бир энлик қалинликдаги темир плиталар ҳам қизиб буғланиб туради.

Саид Нуриддинов шогирдлик вақтида бу станда ишлаш осон эмаслигини билган эди. Лекин, у ишнинг оғирлигидан, қийинлигидан, кўп тер тўкилишидан қўрқмади. Уни Уралдаги заводларнинг бирига юбордилар.

Саид Нуриддинов металл заводи ишга тушган кундан буён жасорат билан ишлаб, яшаб, ўрганиб ва ўргатиб келади. «Ота-боболаримиз деҳқон эдилар, биз бўлсак металлургликни ўзимизга касб қилиб олдик» дейди Саид.

Унинг Шамсиддин, Куки, Сайфиддин деган укалари бор. Улар ота вафотидан кейин ака изидан Бекободга келдилар, акалари билан бир сафга тизилдилар. Шамсиддин билан Куки Нуриддиновларни ҳам «300» станга ишга қўйдилар. Мастер даражасигача кўтарилган Шамсиддин ҳозир акаси, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Саиджон билан мусобақадош. У ҳам бу номга муяссар бўлиш ниятида. Ўтган ойда Саид Нуриддинов бригадаси планини 107,5 процент бажарди. 184 тонна металл, 95 тонна мазут, 121 минг киловатт-соатдан ортиқ электр қуввати тежади. Шамсиддин Нуриддинов бўлса, планни 106,8 процент бажарди, 26 минг сўм давлат маблағини тежади. Резчик Куки Нуриддинов эса, ойлик планни 110 процентга етказди.

Саид Нуриддинов В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводида машҳур пўлат эритувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Ғаниев, коммунистик меҳнат бригадаларининг бошлиқлари Борис Грошев, Батхиддин Убайдуллаев сингари ўнларча ишлаб чиқариш илғорлари қаторида ном чиқарди. Металлурглар уни республика Олий Советига депутат қилиб сайлашган. У, коллективнинг зиммасига олган катта мажбурияти — етти йилликни олти йилда муваффақиятли бажариш учун курашида ташаббускор бўлмоқда.

А. ЛУТФУЛЛАЕВ.

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ Бундан 15 йил муқаддам, 1944 йил 5 мартда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводида биринчи пўлат эритилди.

✦ Ўзбек ёшларидан 800 га яқин киши Урал ва Сибирдаги металлургия заводларида таълим олди, иш ўрганди, малакага эга бўлди.

✦ Завод ходимларидан 400 киши Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланган.

✦ Заводда етти йиллик планни муддатидан бир йил илгари — 1964 йилда бажариш учун бошланган социалистик мусобақада бир минг беш юздан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи қатнашмоқда.

✦ Металлурглар 1958 йилнинг учинчи ва тўртинчи кварталида ҳамда 1959 йилнинг биринчи кварталида юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

✦ Металлурглар икки йилдан буён 6 соатдан ишламоқдалар.

## МЕТАЛЛУРГЛАР, АССАЛОМ!

Мартенлар ҳарорати
Қалбимга урилгандай.
Зеҳнимга пўлат суви —
Нур бериб йўғрилгандай.
Сизга атаб шеър ёздим.
Янги куч, завқим билан.
Янги зафар, бахт тилаб,
Шеърим-мовқеъм билан.
Сизни дея қалбимни
Очган дам завқим тошиб,
Тезкорлик меҳнатиздан
Ҳайратда қолдим шошиб,
Нур шаҳри — дастгоҳингиз
Ишқин дилга ёқдимман,
Турбинларда, смоблар
Тўлқинида оқдимман...
Стендлардан ҳаёлим
Чўғдек ленталар симон,
Йўналса шодлигимга
Тор келар кенг осмон...
Шундай хаёлимдасиз,
Жонимда мартенчилар.
Қуёш устахонасин
Омиллари, ишчилар.
Сиз берган маҳсул — ҳаёт,
Томирига қон экан.
Тинчлик, омонлик учун
Кўксингиз қалқон экан.
Не-не зўр юксалишлар
Заминида хиссангиз.
Қўриқларда, ГЭСларда,
Ер-у-кўкда қиссангиз.
Шонли манзил йўлида
Одимлашлар сиз билан.
Азамат етти йиллик
Янгича режа, план...
Ҳар бир иш ҳам сиз билан
Якун топар, вассалом,
Байрамингиз муборак,
Металлурглар, ассалом!

Толиб ЙЎЛДОШ.

## Етти йилликни муддатидан илгари бажарамиз

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари ҳамда Мурожаатида техникани янада тараққий эттириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш, поток линияларни, янги техника ҳамда прогрессив технологияни жорий қилиш юзасидан партия XXI съезди қарорларини бажаришнинг конкрет йўллари кўрсатиб берилди. Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон металлурглари ҳам бу тарихий ҳужжатларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар ва шу асосда ўз олдиларида турган катта вазифаларни шараф билан бажариш режаларини тузмоқдалар.

Заводимиз коллективи етти йилликни яхши бошлади. Шу нарсани қувонч билан айтиш керакки, коллективимиз пландан ташқари пўлат ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан олган йиллик мажбуриятини олти ойдаёқ ортиғи билан адо этди.

Пўлат ва прокат ишлаб чиқаришни тағин ҳам кўпайтириш мақсадида корхонамизда бир қанча муҳим тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 1960 йилда пўлатни узлуксиз тақсимлайдиган установка қурилади. Шу яқин йиллар мобайнида барча мартен цехларини Бухоро табиий гази асосида ишлашга кўчиришни мўлжалламоқдамиз. Пўлат тайёрлашни кескин кўпайтириш мақсадида 2- мартен печи капитал ремонт қилинади. Шунингдек, прокат цехида ҳам бир қатор ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш процессларини, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қилувчи ишларни механизациялаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш билан бир қаторда давлатнинг жуда кўп миқдордаги маблағини иқтисод қилиш имконини ҳам беради.

Партиямиз етти йиллик планни тўла ва ортиғи билан бажариш — давримизнинг энг муҳим вазифаси деб уқтирмоқда. Шу сабабли ҳам етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш чинакамига умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Ҳар сафардагидек бу гал ҳам коммунистлар бу олижаноб ҳаракатнинг байроқдори бўлмоқдалар. КПСС аъзолари Маннон Мирзаматов, Ҳожимурод Ҳайдаров, Икром Жумаев, Николай Лопухов, Мустафо Кучеров, Мухтор Эгамбердиев каби ишлаб чиқариш илғорлари бутун коллективга намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларининг муттасил яхшилана боришида рационализатор ва ихтирочиларимизнинг ҳиссаси катта. Коллективимиз ўртасида ижодий ташаббуснинг тинмай ошиб бораётганлигини шу мисолдан ҳам кўрса бўлади. Агарда ўтган йили ҳаммаси бўлиб 300 дан ортиқ таклиф тушган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида 200 дан кўпроқ таклиф тушди. Бу таклифларнинг бир қисми амалга оширилди ва у корхонага 900 минг сўм фойда берди.

Меҳнатда ва юриш-туришда ҳаммага намуна бўлаётган Бахритдин Убайдуллаев бошлиқ пўлат эритувчилар бригадасига ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Саид Нуриддинов ва Борис Грошев ўртоқлар бошлиқ прокатчилар бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Ҳозир корхонада яна 8 бригада ана шу юксак номни олиш учун астойдил курашмоқда.

Металлурглар куни шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, етти ойлик топшириқни муддатидан илгари — 15 июлдаёқ бажарган заводимиз коллективи қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва етти йиллик топшириқларини олти йилда бажариш мақсадида бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар.

Г. ВИНОКУРОВ,

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари.

### ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар заводининг аҳил коллективи КПСС XXI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун олиб бораётган курашида дастлабки ютуқни қўлга киритди. Металлурглар «ВК-88» маркали янги қотишма яратдилар ва уни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бу қотишма шу вақтгача тайёрланаётган ва пармалаш ишларида фойдаланилаётган «ВК-15» маркали қотишмага нисбатан катта афзалликларга эга.

Янги қотишманинг таннархи 30 процент арзон бўлиб, у анча чидамлидир. Ундан мамлакатимизнинг турли районларида олиб борилаётган кон пармалаш ишларида кенг фойдаланилади. Янги маҳсулотни яратишда корхона мутахассисларидан И. Левин, Л. Нибизова, Д. Данильянц ўртоқларнинг хизматлари катта.

П. ВЛАДИМИРОВ.

## ОҒИРИМИЗ ЕНГИЛ БЎЛАЁТИР

Корхоналаримизнинг қиёфалари нақадар тез ўзгариб бораётир. Янги, ҳозирги замон асбоб-ускуналари борган сари қўл меҳнатини сиқиб чиқараётир. Машина ва механизмлар ўнлаб ва юзлаб кишиларнинг ишини қилаётир. Оғиримиз тобора енгиллашмоқда. Буни, жумладан бизнинг завод мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мен Ўзбекистон металлургия заводида корхона ишга тушган дастлабки кунлардан бери ишламоқдаман. Мартен цехи 1944 йилнинг март ойида биринчи пўлатни эритган эди. Ўша пайтда мен оддий электрчи бўлиб ишлардим. Биринчи пўлат паровозлардан бериб турилган буғ ёрдамида эритилди. Бунинг учун жуда кўп миқдорда кўмир сарфланарди. Печга темир, чўян ва даломит тошлари қўл билан ташланарди. Бу ишларда жуда кўп киши банд эди.

Орадан бор-йўғи 15 йил ўтди. Ўша пайтда мартен цехини кўрган киши эндиликда уни таний олмайди. Корхонамиз цехлари шу ўтган йиллар мобайнида мураккаб машина ва асбоб-ускуналар билан, автомат линиялар билан ускуналанди, Мартен цехида кучли кранлар, завалка машиналари, пўлат қуядиган тележкалар каби механизмлар ишлаб турибди. Шулар туфайли биз ўтган 15 йил мобайнида пўлат ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтиришга муваффақ бўлдик.

Оғиримизни енгил қилаётган мураккаб механизмлар электр қуввати билан ҳаракатланади. Механизм моторларининг юқори даражадаги ҳароратда ҳам доимо нормал ишлаб туришини таъминлаш — электрчилардан сергакликни, билимдон бўлишни талаб этади. Менинг касбдошларим Ен Цой, Альберт Хатипов, Умар Ҳабибов ва Иван Ларин ўртоқлар худди ана шундай кишилардандир. Биз ҳаммамиз пўлат эритувчиларнинг етти йиллик топшириқларини олти йилда бажариш учун олиб бораётган олижаноб курашига ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирмиз. Механизм моторларининг тилини яхши билиб олганлигимиз сабабли, улар ҳамма вақт нормал ишламоқда.

А. ЙЎЛДОШЕВ,

мартен цехининг старший электрчиси.

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ Завод коллективи маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобигагина 6 ойда бир миллион 799 минг сўм тежади.

✦ Заводда хўжалик ҳисобига уй-жой қурилиши ишлари плани 156 процент қилиб адо этилди. Шу йилнинг ўзида пландаги 550 квадрат метр ўрнига 947 квадрат метр уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

✦ 1959 йилнинг биринчи ярмида 360 минг киловатт электр қуввати, 486 тонна мазут тежалди.

✦ Завод ҳузуридаги тунги санаторийда ҳозиргача 150 киши дам олди.

✦ Бу йил завод ходимларидан 160 га яқин киши курорт ва санаторийларда, 300 га яқин киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди.

✦ Шу йилнинг 6 ойида мусобақа илғорларидан 300 киши қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.

✦ Металлурглардан 300 киши якка тартибда уй-жой бинолари қурмоқда.

✦ Завод комсомоллари ўз кучлари билан ўн минг киши сиғадиган стадион қуришга киришдилар.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

## Депутат бошлиқ бригадада

Колхоз раиси ўртоқ Ғ. Азаматов кабинетига қотмадан келган, ўрта бўйли киши кириб келди. Саломлашгач, раис кўрсатган стулга ўтирди.

— Ўртоқ раис, мен республикамизга машҳур механизатор Валентин Тюпко бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг иш тажрибаси билан танишиб чиқдим. Бизнинг колхозда ҳам шундай трактор-далачилик бригадаси тузиш ҳақида ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмас эди, деган фикрдаман.

— Валентин Тюпкога ўхшаб 4 киши билан катта майдонда кетмон ишлатмай, юқори ҳосил етиштира оладиган киши колхозимизда йўқ-да, — атайин эътироз билдирди раис, синовчан кўзлари билан унга тикилиб.

— Йўқ, бу фикрингизга қўшилмайман. Колхозимизда ўз ишига моҳир механизаторлар кўплаб топилади. Масалан, мен 30 йилдан бери шу касб билан шуғулланаман. Трактор-далачилик бригадаси тузиб, унга ўзим бошчилик қиламан десам, сиз нима дер эдингиз?

— Фикрингиз мутлақо тўғри, инсоннинг қўлидан келмайдиган ҳеч қандай иш йўқ. Сиз бу ишнинг уддасидан чиқаоласиз.

Саттор Пирназаров раис кабинетидан чиқиб кетар экан, катта, масъулиятли ишга киришаётганлигини бутун вужуди билан ҳис этди...

Саттор ака бошлиқ бўлган колхознинг биринчи трактор-далачилик бригадаси пахта етиштиришдаги прогрессив усулни кенг жорий қилиши натижасида ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 32 центнердан ҳосил етиштирди.

Колхоз механизатори, кетмонсиз мўл ҳосил етиштирган С. Пирназаровнинг довруғи биринчи йилиёқ Вильямс номли колхозгагина эмас, балки бутун Бўка районига ёйилди. Бўка район меҳнаткашлари механизмлар ёрдами билангина мўл пахта ҳосили етиштиришдек прогрессив усулнинг афзаллигини амалда исбот қилган бу механизаторни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

Депутат бошлиқ бригада бу йил 100 гектар ерга чигит экди. 3 та звено тузилиб, уларга ҳам механизаторлар бошчилик қилади. Умумий майдоннинг 60 гектарига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди, қолган майдонлар механизмлар ёрдами билан кўндалангига кесилди. Шундай қилиб бригаданинг барча пахта майдонларида ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлашга имконият яратилди.

— Шу кунларда, — дейди бригада бошлиғи, — бизда ғўза парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Бригадада ғўзани уч марта комплекс парвариш қилиш тугалланиб, тўртинчи марта парвариш қилиш бошланди. Биринчи озиқлантиришни чигит униб чиққан дастлабки кунлардаёқ ўтказганмиз.

Сувни ғўзанинг талабига қараб бермоқдамиз.

Ғўза парваришида механизаторларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Сайди Тошхўжаев, Умрзоқ Ҳамроев каби универсалчилар ғўзани 15—16 сантиметр чуқурлик ва 45 сантиметр кенгликда, культиваторнинг барча ишчи органларини шай қилинган ҳолда сифатли культивация қилмоқдалар.

Колхозчилар колхозда тайёрланган калта дастали тешалар ёрдами билан ғўза қатор ораларидаги ёввойи ўтларни йўқ қилмоқдалар. Кунлик норма 0,40 гектар бўлишига қарамай, Сожида Назирова, Ойзода Ваҳобова, Буниса Ғойибназарова, Нуриниса Баратова каби илғорлар ҳар куни 0,60 — 0,70 гектар майдондаги ғўзани ёввойи ўтдан тозаладилар.

Ғўзага талабига қараб сув қўйилиши билан бир қаторда, бу ишга тажрибакор сувчилар ажратилган. Исроил Жўраев, Турдибой Йўлдошев, Ғулом Раҳимов шундай сувчилар жумласига киради. Улар суғоришни юқори сифатда ўтказиш билан бирга, кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Шу кунларда бригаданинг бошқа майдонларидаги ғўзаларига нисбатан ривожланишдан бироз орқада қолган 15 гектарлик майдонга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу участкада қўшимча озиқлантириш ва суғориш ўтказилди. Натижада ғўзанинг аҳволи анча яхшиланиб қолди.

— Биз ҳамма майдонларда пахтани фақат машина билан териш фикридамиз, — дейди ўртоқ С. Пирназаров. — Бунинг учун етарли тайёргарлик кўрмоқдамиз. 3 та универсалчи ҳам пахта терими машинасини бошқара олади. Шу кунда пахта териш машиналарини ремонт қилишга киришдик. Пахтаси машина билан териладиган барча майдонларни алоҳида назорат остига олганмиз.

Бригада аъзолари ҳамма имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, механизмдан кўпроқ фойдаланиш ҳисобига бир центнер пахта етиштириш учун энг кўп деганда 4 тадан меҳнат куни сарф қилиб, бир центнер пахтанинг таннархини 95—100 сўмдан оширмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Барча майдонлардаги ғўзалар ёппасига гуллаб кўсакламоқда. Бригада аъзолари ғўзани парвариш қилиш суръати ва сифатини пасайтирмасалар олган социалистик мажбуриятлари — ҳар гектардан 40 центнердан пахта етиштиришнинг, албатта уддасидан чиқадилар.

Ф. АБДУЛЛИН,
М. САМАДОВ.

## Доимий комиссияларнинг ташаббуси билан

Искандар посёлкаси областимиздаги кўпгина обод ва кўркам жойлардан бири. Искандар, Товоқсой ва Паргоз қишлоқларидан ташкил топган бу посёлка Совети Чирчиқ шаҳрининг Аранча посёлкасидан бошланиб, Чирчиқ дарёсининг бош тўғонигача боради. Посёлкада энергетиклар, ойнасозлар, саноат комбинати ишчилари, колхозчилар, зиёлилар ва уларнинг оиласидан иборат 12000 аҳоли яшайди. Шаҳар тусига кириб бораётган бу посёлкадаги ўрта, етти йиллик, бошланғич мактабларда, болалар боғчаси, яслиларда аҳолининг 2300 дан ортиқ боласи таълим олади ва тарбияланади. Бундан ташқари 2 касалхона, 2 амбулатория, туғруқхона, бир қанча медпункт, аптека ва болалар консультацияси аҳолига медицина хизмати кўрсатмоқда. Посёлка Совети ҳузуридаги соғлиқни сақлаш доимий комиссияси (раиси ўртоқ Кузнецова) аҳолига медицина хизматини яхшилаш соҳасида бир мунча ишлар қилди. Посёлка Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг ишини муҳокама қилиб, комиссиянинг яхши ишларини кўрсатиш билан бирга, унинг фаолиятидаги камчиликларни ҳам қайд қилди. Сессия посёлкада соғлиқни сақлаш ишларини янада яхшилаш тадбирларини белгилади.

Посёлка Советида маданий-оқартув ишлари ҳам анча яхши йўлга қўйилган. Бу ерда 3 клуб ва 4 кутубхона бор.

Меҳнаткашлар депутатлари Искандар посёлка Совети (раиси ўртоқ И. Садирматов) посёлка территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йил кўкламда кўчаларга, ариқ ва анҳор бўйларига, хиёбонларга 30000 га яқин терак, тол, клён, акация ва мева дарахт кўчатлари ўтказилди. Ободонлаштириш доимий комиссиясининг ташаббуси билан марказий кўчалар текисланиб, асфальт ётқизишга тайёрлаб қўйилди, дарё соҳиллари сим-тош тўсиқлар билан мустаҳкамланди. Посёлкада якка ва коллектив тартибда уй-жой қурилиши қизитиб юборилди. Шу йилнинг ўзида юзга яқин оила янги уйларга кўчиб кирди.

Искандар посёлка Совети, унинг доимий комиссиялари ва меҳнаткашлар ўз посёлкаларини обод ва кўркам қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Т. ЎРУНОВ.

## Телеателье фаолиятини яхшилаш керак

Тошкент телевизион ательеси кейинги вақтларда аҳолига хизмат кўрсатишни бирмунча яхшилади. Телевизорларни ўрнатиш, ремонт қилиш ишлари имкони борича қисқа муддатда бажариладиган бўлиб қолди. Ателье мутахассис кадрлар билан таъминланган. Ёш кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Ишлаб турган мутахассисларни техника янгиликларидан хабардор қилиш мақсадида техника ўқуви ташкил қилинган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорлари муносабати билан маиший хизмат корхоналари олдига янги вазифалар қўйилди.

Шу туфайли телеательенинг ишини қайта кўриш, унинг аҳоли талабига ҳозир жавоб бўлишига эришиш керак. Телеательенинг иши олдинги йиллардагига нисбатан яхшиланган бўлишига қарамай, унинг аҳолига кўрсатаётган хизмати ҳали талабга тўла жавоб беради деб бўлмайди. Чунки, телеателье обонентнинг телевизорини заказ берилган куниёқ тузатиб бериш имкониятига эга эмас.

Обонент телевизори бузилганлиги ҳақида хабар бергач, радио техник бир неча кун ўтгач бориб кўради. Радио-механик телевизорнинг ҳамма запас қисмларини кўтариб юролмайди. Шу сабабли айрим деталларни алмаштириш талаб қилинса, радио-механик телевизорнинг ишламаслик сабабини аниқлаб кетиш билангина қаноатланади.

Ательеда навбатчи радиотехник, консультация столи ташкил қилинмаган. Ателье ходимлари телевизордан фойдаланиш, камчиликларини аниқлаш тўғрисида телетамошабинлар учун вақти-вақти билан консультациялар уюштирмаётирлар. Шунинг натижасида айрим шахслар арзимаган сабаблар учун уста чақиришга мажбур бўлаётирлар.

Шу билан бирга телеательенинг аҳолига хизматини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишга айрим камчиликлар ғов бўлиб турибди. Биринчидан, шуни айтиш керакки, телеателье пойтахтимиздаги районларнинг марказида ремонт пунктлари очиши керак эди. Лекин бу тадбирларни амалга ошириш учун бино бўлмади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 24 июлдаги телеателье учун 450 квадрат метр жой ажратиб бериш ҳақидаги қарори Тошкент шаҳар Совети томонидан тўла бажарилмади. Ателье шу кунгача фақат 200 квадрат метргина қўшимча жой олди. Бино танқислигидан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг электрон нур трубалари ишдан чиққач, уларни ташлаб юбормаслик, балки йиғиш ҳақидаги кўрсатмаси ҳам бажарилмаётир.

Бино тўғрисида шаҳар Советига бирнеча мартаба мурожаат қилинди, лекин унга Уй-жойлардан фойдаланиш ва ремонт қилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Носировнинг имзоси билан «бор имкониятлардан фойдаланилсин», деган жавоб олинди.

Ательенинг аҳолига хизматини яхшилашга тўсиқ бўлаётган масалалардан яна бири шуки, ателье запас деталларнинг деярлик ҳаммасини Москва, Ленинград, Львов ва бошқа шаҳарлардан ҳамда чет мамлакатлардан олади. Ваҳоланки, буларнинг кўпчилигини республикамизда ишлаб чиқариш имконияти бор. Жумладан, Самарқанд «Кинап» заводида ишлаб чиқарилаётган трансформаторларнинг бир қисми ателье учун ажратилса, бошқа шаҳарлардан трансформатор келтиришга ҳожат қолмайди. Тошкент электр лампалар заводида кинескопларни ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятлар бор, ателье эса уни Львов шаҳаридан келтиради. Тошкентда кабель заводи бўлатуриб коаксиаль кабеллар чет мамлакатлардан келтирилади. Ателье шунга ўхшаш қисмларни вақтида ололмаганлиги сабабли аҳолига хизмат кўрсатишда кўп қийинчиликларга учрамоқда.

Ателье коаксиаль кабелни ўз вақтида олаолмаганлиги сабабли ташқи антенналар қуриш планини бажараолмаётир.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, пойтахтимиздаги тупик, уй номерлари, кўча ва проездларнинг номлари ҳалигача тартибга солингани йўқ. Бу камчиликлар, айниқса, Фрунзе районининг Чилонзор массивида, Октябрь, Ленин районларининг айрим кўчаларида учрайди. Бу ҳол ҳам радио-техникларнинг тез ва нормаль ишлашига халал бермоқда.

Телевизор сотиб олувчилар сони ойдан-ойга ортиб бораяпти, телеателье фақат шу йилнинг беш ойида тўққиз мингдан ортиқ телевизор ўрнатди. Тошкентда етти йиллик охирига бориб, ҳозиргига нисбатан телевизордан фойдаланувчилар 10 марта кўпаяди. Бу эса телеателье хизматига бўлган талабни янада кучайтиради.

Ательенинг фаолиятини яхшилашга тўсқинлик қилаётган бу камчиликлар тезроқ тугатилса, унинг иши жонланади.

З. АХТЯМОВА.

